



МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИДА “РАБИЙ АЛ-АБРОР” АСАРИНИНГ ЎРНИ

ТҮРАЕВ Лазиз Абдивали ўғли

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Шарқ фалсафаси ва герменевтика кафедраси доц.в.б. PhD

ORCID: 0000-0003-3666-6229

Email: turayevlaziz86@gmail.com

НИЗОМОВА Нигора Қосимжоновна

Тошкент давлат шарқшунослик университети

академик лицейи ўқитувчиси

Tel: +99897 720 80 14

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Жоруллоҳ шарафли номга эга бўлган аллома Маҳмуд Замахшарийнинг “Рабиъ ал-аброр” асари хусусида сўз юритилган. Асар “Илми муҳозарот” услубида ёзилган. “Рабиъ ал-аброр” асарининг асосини жамиятдаги муҳим соҳаларга бағишланган ва асар яратилган даврининг зиёли кишиси билиши керак бўлган турли кўринишдаги маълумотлар ташкил қиласди. Асарнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, унда берилган турли мавзуларга оид маълумотлар ўз давридан бошлиб, бугунга қадар ўз долзарбигини сақлаб келмоқда.

Калим сўзлар: замахшарийшунослик, Яхшилар баҳори, сафар, маърузалар илми, иқтибос, қомусий асар, боб.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается работа Раби аль-Абара Махмуда Замахшари, ученого с почетным титулом Джаруллы. Работа написана в стиле «Научная дискуссия». Раби аль-Абраг основан на широком спектре информации, которая важна для общества и должна быть известна интеллектуалам того времени. Важным аспектом работы является то, что информация по разным темам, приведенная в ней, остается актуальной с момента своего появления до наших дней.

Ключевые слова: Замахшариведение, источник добра, путешествие, наука речей, цитата, энциклопедия, глава.

КИРИШ

Янги Ўзбекистонда ўзларининг дунёқарашлари ва бебаҳо илмий мерослари билан жаҳон цивилизациясига муносиб хисса қўшган улуф

алломаларимизнинг асарларини ўрганиш, тадқиқ этиш ва тадқиқ этиш орқали уларни тарғиб қилиш масалаларига, хусусан Биринчи Ренессанс даврининг етук алломалари ижодини ўрганишда айрича эътибор қаратилмоқда. Ушбу амалий ишлар натижасида бугунги кунда мамлакатимиз шарқшунослигига янги “замахшарийшунослик” йўналиши вужудга келаётганини таъкидлаш лозим. Ўзбек олимлари томонидан “Бутун дунё устози” бўлган аллома Маҳмуд Замахшарийнинг ҳаёт йўли, илмий мероси, айниқса, унинг тилшуносликка оид асарлари юзасидан қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилганлиги ва бу ишлар давом этажани эътиборлидир. Бироқ аллома илмий меросининг уфқлари ниҳоятда кенг бўлиб, унинг тарих, география, фалсафа, дин, илоҳиётшунослик соҳаларига қаратилган ўнлаб асарлари ҳали ҳануз чуқур тадқиқ этилгани йўқ. Чунончи, Маҳмуд Замахшарийнинг жамиятдаги кўплаб соҳаларни ўзида қамраб олган “Рабиъ ал-аброр” (“Яхшилар баҳори”) асари айнан шундай тадқиқ этилмаган асарлар сирасига киради. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг: “Янги Ўзбекистон тараққиётининг бугунги босқичида улуғ аллома ва мутафаккирларимизнинг кўплаб бебаҳо асарларини, ноёб ёзма манбаларни сақлаш, ўрганиш ва келажак авлодга безавол етказиш борасидаги ишларни янада жадаллаштириш муҳим аҳамият касб этади”¹- деган сўзлари, мазкур асарни ўрганишнинг муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Маҳмуд Замахшарий ўзининг Қуръони каримга бағишлиланган машҳур “Ал-Кашшоф” тафсирини ёзиб бўлгандан сўнг, ушбу тафсирни ўқиган китобхонларнинг чарчаган дилларига ором бериш ва уларнинг зеҳнларини янада ошириш мақсадида “Рабиъ ал-аброр” асарини ёзади. Аллома ҳаётининг сўнгги ўн йиллигига, бутун умри давомида кўрган, эшитган, ўқиган ва билган илмий маълумотларни китобхонларга етказишни айни “Рабиъ ал-аброр” асари орқали амалга оширади. Маҳмуд Замахшарий қайси юртга бормасин ўша юртнинг тарихи, ўтмиши, иқлими, географияси, қадриятлари, инсонларининг яхши ва ёмон хислатлари, шунингдек, илм-маърифати ва олимлари ҳакида кўпроқ маълумот олишни истаган ва бунга ҳаракат қилган. Маҳмуд Замахшарий Марв, Нишопур, Исфаҳон, Шом, Бағдод, Ҳижоз ва Макка (икки марта) шаҳар ва вилоятларига сафарлар қилган. Аллома қилган сафарлари давомида олган ва тўплаган жуда кўп маълумотларни “Рабиъ ал-аброр” асарида акс эттиришга ҳаракат қилган.

¹ <https://lex.uz/docs/5854226>

Маҳмуд Замахшарийнинг “Рабиъ ал-аброр” асари нима мақсадда ёзилганлиги тўғрисидаги маълумотни асарнинг муқаддимасидан, муаллиф томонидан айтилган жумлалар орқали билиш мумкин. Муаллиф шундай дейди: “Мен ушбу китобни “Ал-Кашшоф ан ҳақоиқ ут-танзил” тафсирини ўқиган китобхонларнинг хотирларини жамлаш ҳамда асарни ўқиш давомида кўп мулоҳаза юритганликлари, тафсирдаги мураккаб жиҳатларни ва сирларни очишга интилганликлари учун уларнинг чарчаган зеҳнларига ором беришни, уларнинг қалбларига роҳат бағишлишни мақсад қилганман.....”².

“Рабиъ ал-аброр” асари ўзига хос бир услубда ёзилган бўлиб, уни бошқа асарлардан баъзи жиҳатлари ва хусусиятлари билан ажralиб турадиган ноёб асар сифатида эътироф этиш мумкин. Асар араб адаб илмидаги ўн икки илмдан бири бўлган علم المحاضرات “илми мухозарот” (“маъruzalар илми”) услубида ёзилган. Аслида Маҳмуд Замахшарий асарнинг ёзилиши услуби ҳақида китобнинг ҳеч қаерида маълумот бермаган, асарни тадқиқ ва ўрганиш этиш давомида ҳамда “маъruzalар илми” услубида ёзилган бошқа асарларни ўрганиш натижасида “Рабиъ ал-аброр” асари “маъruzalар илми” услубида ёзилган³.

“Мухозара” илмида айни бир мавзуда нутқ сўзланаётган пайтда бошқаларнинг ўша мавзуга доир сўзларини ўз ўрнида ва мос жойда фойдаланиш тушунилади.

“Мухозара” илмида ёзилган асарлардан тарихий, диний, ижтимоий, сиёсий воқеа-ходисалар, географик маълумотлар, ривоятлар, ҳикоятлар, ибратли ўйтлар, кулгили латифалар ва турли шеърлардан иборат маълумотлар ўрин эгаллайди.

Бу илмга оид баъзи маълумотлар турк олими Ҳожи Халифанинг “Кашф аз-зунун ъан асомий ал-кутуб ва ал-фунун” (“Китоблар ва фанлар номидаги гумонларни ёритиш-бартараф этиш”) номли асарида учрайди. Хусусан, “Кашф аз-зунун”да “Мифтоҳ ал-саодат” (“Баҳт қалити”) асарининг муаллифи Абу Хайрдан қуидаги маълумот келтирилади: “Бу илм орқали бирор бир фикрнинг (гапнинг) бошқа бир киши томонидан билдирилган фикр ва унинг нутқидаги кўчма маъноси ёки гапнинг ўзига хос тузилиши нуқтаи-назаридан малакага (маълумотга эга бўлиш) эга бўлиши мумкин. Унинг фойдаси шундан иборатки, нутқ сўзловчи киши сұхбатдошининг мақоми (шарт-шароитидан) қатъий назар сўзларни (фикрларни) ишлатишда хатоликка йўл қўймасликка чақиради.

² “Рабиъ ал-аброр” асари кўлёзмаси. ЎзР ФА Шарқшунослик институти кутубхонаси. №2384. 16 сахифа.

³ L.Turaev. Mahmûd Ez-Zemahşeri'nin “Rebi'u'l-Ebrâr” Adlı Eserinin Özbekçe Nüshalarının Tanıtımı. Imgelem. Özbekistan Özel Sayısı.



Шунингдек, бунда нутқнинг асл маъно ва гапнинг ўзига хос тузилиши ҳам эътиборга олинади”⁴.

Ҳинд олими Ал-Қонужий маъруза илмига ҳукмдорлар билан мулоқот қилиш илмини қўшиб шундай дейди: “Бу маъруза илмининг бир қисми бўлиб, у қиссалар, хабарлар, насиҳатлар, ҳикматлар, мақоллар, минтақаларнинг ажойиботлари, мамлакатларнинг мўъжизалари, подшоҳлар, шаҳзодалар, раҳбарларнинг хоҳлаган мавзуларни аниқлайдиган (топадиган) илмдир”⁵.

Бу услубда ёзилган кўплаб асарлар дунё илм-фанига маълум ва машҳур. Абу Мансур ас-Саолибийнинг “Ат-Тамсил ва ал-Муҳозара”, “Мунис ал-Воҳид ва нузҳат ал-мустағиф фи ал-муҳозарот”, “Хилят ал-муҳозара”, Ибн ал-Марвон ад-Диноварийнинг “Ал-Мужализи ва Жавоҳир ал-илм”, Муҳиддин ибн Арабийнинг “Муҳозарот ал-аброр ва мусомират ал-ахёй”, Муаммар ибн Мусаннанинг “Ал-Муҳозарот ва ал-Муҳоварот”, Ал-Бахилий ал-Асмаъининг “Ал-Асмаъият”, Ибн Абд Роббихнинг “Ал иқд ал-фарид”, Муҳаммад ибн Довуд ат-Танухийнинг “Нашвор ал-муҳозарат ва ахбор ал-музокара”, Ан-Наҳравоний ал-Жаририйнинг “Ал-Джалис ас-солиҳ ал-коғиғи вали-анис ан-насиҳ аш-шоғиғ”, Ал-Хусайн Вазир ал-Абийнинг “Наср ад-дурур фил-муҳозарот”, Абдуллоҳ ан-Намарийнинг “Бажжат ал-мажолис ва унс ал-мужолис”, Роғиб Исфаҳонийнинг “Муҳозарот ал-удабо ва Муҳоварот аш-Шуаърои вал Балогоиъ”, Али ибн Ҳамдуннинг “Ат-тазкира ал-ҳамдунийя” каби асарлар шулар жумласидандир.

Мазкур асарларнинг барчаси жамиятдаги турли мавзуларга оид маълумотларни ўзида жамлаган. Маҳмуд Замахшарий ҳам юқоридаги асарларни кўриб, уларни ўрганиб, керакли ўринда улардан ҳам фойдаланиб, “Рабиъ ал-аброр” асарини тасниф этади. Бу асарни ёзиш натижасида Маҳмуд Замахшарий, Марказий Осиё минтақасида “Илми муҳозарот” услубида асар ёзиш анъанасини бошлаб берган.

Ўтмишда ёзилган асарларнинг аксарияти қайсиdir шоҳ, ҳукмдор ва вазирларга бағишлиланган, уларни мадҳ этишга қаратилган ёки қандайдир бир оқим ва ақидани тарғиб қилишга йўналтирилган ҳолда ёзилган бўлади. Лекин “Рабиъ ал-аброр” асарининг ўзига хос хусусиятларидан бири асар қайсиdir мансабдор шахсга бағишлиб ёки қандайдир оқим ва ақидаларни тарғиб қиласидиган асарлар сирасига кирмайди. Аксинча, асарда берилган барча масалалар жамият ривожи, миллат равнақи, юрт осойишталиги ва халқ фаровонлигига хизмат қиласидиган асарлар сирасига киради.

⁴ حاجي خليفة. كشف الظنون عن أسامي الكتب والفنون. 2-ج. 1609-ص.

⁵ محمد، أسماء حسن. منهج الزمخشري في كتاب ربيع الأبرار. 215-ص.

Асарнинг яна бир жиҳати, унда фойдаланилган адабиётларни ва манбаларни кўрсатилмаганлигига. Бунинг сабаби муаллиф асарда иқтибослари келтирилган манбалар ўз даврида барчага маълум ва машхур бўлган асарлар бўлиши ҳамда уларни ўқувчига қайта эслатиш эҳтиёжи йўқлиги учун ҳам шундай йўл тутган бўлиши мумкин.

Махмуд Замахшарий “Рабиъ ал-абор” асарининг яна бир ўзига хослиги, унда бир пайтнинг ўзида ҳам насрый, ҳам назмий жанрлардан иқтибослар келтирилганидадир. Аллома ҳар бир боб мавзусига оид маълум бир иқтибос келтиргандан сўнг, албатта ўша мавзуга доир машхур шоир ва адибларнинг шеърларидан ҳам иқтибос келтиради.

“Рабиъ ал-абор”да араб, форс, ҳинд, юонон ва турк халқларининг машхур шахсларидан ўша халқларнинг аҳолиси, ўтмиши, маданияти, қадриятлари, иқлими, табиатига оид маълумотлар жамланган. Асарда энг яхши суҳбатдош сифатида турли мақоллар, масаллар, ҳикматлар, машхур кишиларнинг сўзларини, ибратли воқеалар келтирилган. Инсон кўнгли хуш кайфиятни хоҳласа, ундан кулгили латифаларни, ҳажвий воқеаларни ўқиши, хузунлик истаган қалблар учун эса пур-маъноли, инсонни кўзига ёш келтирадиган насиҳатларни, ибратли ўғитларни топиш мумкин. Шу нуқтаи назардан маълум бир мавзуга доир битта бобдан ҳам Қуръон ояти, ҳам ҳадиси шариф, ҳам ҳикоя, ҳам насиҳат, ҳам шеър, мавзуга доир тарихий воқеалар, ҳатто кулгили латифаларни ҳам топиш мумкин. Шу боисдан ҳам бу асарни муайян мавзуга доир “қомусий асар” дейиш мумкин.

Муаллиф асарни бўлимларга ажратиш борасида ҳеч қаерда тўхталмайди. Биз асардаги боблар мазмунига қараб уни уч қисмдан иборат деб хulosага келдик. Улар кириш, асосий ва сўнгги қисмлардир.

Асарнинг кириш қисми ўнта бобдан иборат бўлиб, улар дастлабки биринчи бобдан ўнинчи бобга қадар бўлган боблардир. Бу боблар вақтлар, дунё ва охират, осмон, юлдузлар, фаришталар, оламнинг бирламчи асосини ташкил этувчи тўрт унсур (ер, сув, ҳаво, олов), табиат ва унинг табиий ҳодисалари, турли шаҳарлар, минтақалар, фаришталар ҳамда араб ва ажам пайғамбарлари ҳақида маълумотлар беради.

Асарнинг асосий қисми саксон битта бобни ўз ичига олади. Бу боблар ўн биринчи бобдан тўқсон биринчи бобга қадар бўлган боблардир. Асарнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил қиласидиган бу бобларда жамиятдаги турли ижтимоий-сиёсий, диний-маърифий, таълимий-тарбиявий, хуқукий масалаларга оид маълумотлар ўрин эгаллаган.

Асарнинг сўнгги қисми еттига бобни ўз ичига олади. Бу боблар эса тўқсон иккинчи бобдан тўқсон саккизинчи бобгача бўлган боблардир. Бу бобларда эса қуруқлик ва сувдаги турли ҳайвонлар, ҳашаротлар, қушлар, табиат, ўсимликлар ва бошқа жонзотлар ҳақидаги маълумотлар берилади.

Асарнинг асосий қисмини жамиятдаги барча ижтимоий масалаларни ўзида жамлаган насиҳатлар, ўғитлар, пандномалар, сухбатлар ва шеърлар ташкил қиласди. Уларни шартли равишда қуйидаги мавзуларга ажратиш мумкин:

- Диний мавзулар.
- Инсоннинг гўзал фазилатларга оид мавзулар.
- Инсоннинг ёмон хислатларига оид мавзулар
- Инсон ташқи қиёфаси билан боғлиқ мавзулар.
- Илм-маърифатта оид мавзулар.
- Адолатли шоҳ ва вазирларга оид мавзулар.

Юқорида келтирилган мавзуларга оид иқтибосларнинг маълум бир қисми муқаддас Куръони карим, ҳадиси шарифлар билан ҳам боғлиқ. Маҳмуд Замахшарий китобхоннинг ишончини ошириш мақсадида Куръони Каримдан кўплаб оятлар келтиради. Таврот, Забур ва Инжил муқаддас китобларидан ва Ҳадиси кудсий, Ҳадиси Набавий, аҳли байтдан, саҳобалар, тобеинлардан, улардан кейин эса, араб, форс, хинд, юонон ва турк халқларининг машхур донишманлари, тарихчилари, оқил подшоҳлари, доно вазирлари ва шоирларидан иқтибослар келтиради.

Маҳмуд Замахшарий ўзгалардан иқтибос келтириш билан кифояланмасдан, ўзининг “ديوان المنظوم” (“Девон ал-Манзум” (Шеърий девон), “الرسالة الناصحة” (“Девон ал-Мансур” (Девон ар-Расоиъл), “رسولات ان-ناسixa”), “النصائح الصغار” (“Ан-насоих ас-сигар”), “نوابع الكلم” (“Навобиг ал-калим”) каби асарларидан ҳам унумли фойдаланади.

Муаллиф асарни тасниф этишда барча учун тушунарли бўлган, содда ва ихчам шаклдаги иқтибослардан кўпроқ фойдаланган. Келтирилган иқтибосларни давр нуқтаи-назардан таҳлил қиласидиган бўлсак, улар исломдан олдинги ва ислом даврига оид иқтибослар эканлигини кузатиш мумкин.

“Рабиъ ал-аброр” асарининг аҳамияти юқори эканлигини ва унга бўлган қизиқиши катта бўлганини унинг қўлёзма нусхалари такрор ва такрор қўчирилганлиги ва уларнинг дунёнинг турли кутубхона ва музей фондларида 60 га яқин нусхаларда сақланаётганлигидан ҳам англаш мумкин. Шунингдек, асарнинг кўплаб тилларга таржима қилингани, асар яратилган даврга яқин бир пайтда форс, турк тилларига, XXI асарга келиб туркман тилига қилингандар таржималари асарнинг аҳамияти юқори эканлигидан далолат беради.



Умуман олганда асарда келтирилген барча иқтибослар жамият ривожига, миллат равнақига, юрт осойишталиги ва халқ фаровонлигига хизмат қилади. Чунки, асар инсоннинг ижтимоий ҳаётда янада маданиятли ва етук шахс бўлиши учун билиши керак бўлган барча билимларни ўзида мужассам этган. Муҳими асарда тўплланган иқтибослар орқали Маҳмуд Замахшарий ўз замонаси ва ўзигача бўлган алломаларнинг маълумотларини авлодларга етказища тарихий қўприк вазифасини бажариб берган етук илм соҳиби сифатида таъкидлаш лозим.

REFERENCES:

1. <https://lex.uz/docs/5854226>
2. Turaev, L. (2024). Mahmûd Ez-Zemahşerî'nin “Rebî'u'l-Ebrâr” Adlı Eserinin Özbekçe Nüshalarının Tanıtımı. *İmgelem*(Özbekistan Özel Sayısı), 411-424. <https://doi.org/10.53791/imgelem.1462585>
3. Тураев, Л. А. (2023). Историческое произведение «Раби ‘ал-аббар» как важный научный источник. In *Россия и Восток. К 300-летию СПбГУ* (pp. 23-25).
4. Turaev, L. Mahmûd Ez-Zemahşerî'nin “Rebî'u'l-Ebrâr” Adlı Eserinin Özbekçe Nüshalarının Tanıtımı. *İmgelem*, (Özbekistan Özel Sayısı).
5. “Рабиъ ал-аббор” асари қўлёзмаси. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти кутубхонаси. №2384. 16 саҳифа.
6. حاجي خليفة. كشف الظنون عن أسامي الكتب والفنون. 2-ج. 1609-ص.
7. محمد، أسماء حسن. منهاج الزمخشري في كتاب ربیع الأبرار. 215-ص.